

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) ўрта муддатли истиқболда давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб берган энг муҳим дастурий хужжат ҳисобланади.

2017 йилда Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда алоҳида эътибор "Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун" деган тамойил ва "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари ҳалқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу ғоянинг, энг аввало, ҳалқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш ҳамда фуқаролар хуқуqlари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг реал ҳимоя қилинишини таъминлаш орқали ҳаётга амалий татбиқ этилишига қаратилди.

Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида 30 дан ортиқ қонунлар ҳамда 900 дан ортиқ қонуности хужжатларининг қабул қилиниши кенг қўламли ислоҳотлар, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, ҳалқ фаровонлигини юксалтиришнинг мустаҳкам хуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари, шунингдек, ҳар бир давлат органида ташкил этилган фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича маҳсус бўлинмалар аҳоли билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги самарали тизимини шакллантиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси давлат бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилиш, "Электрон хукумат" ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш, иқтисодиётга маъмурий таъсирни қисқартириш ҳамда бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш, соғлом рақобат муҳити ва қулай инвестиция иқлимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

Суд-хуқуқ тизимида судларнинг ҳаққоний мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизмини шакллантириш бўйича комплекс

чора-тадбирлар амалга оширилди. Жойларда маъмурий ва иқтисодий судларнинг ташкил этилганлиги одил судловга эришиш даражасини ошириш имконини берди.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини ислоҳ қилиш, хуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатда жиноятчиликнинг умумий кўрсаткичи 15,7 фоизга камайишига эришилди, 1,2 минг маҳаллаларда бирорта жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

Илгари, асосан хавфсизликка хавф-хатар ва таҳдидлар оқибатларига қарши курашиш билан чекланган терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ёндашувлар концептуал қайта кўриб чиқилди. Мазкур муаммоларни ҳал қилишда, биринчи навбатда, ёшларнинг хуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш орқали одамларнинг онги учун курашиш устувор вазифа этиб белгиланди.

Ўз тақдирини Ўзбекистон билан боғлаган, мамлакатимиз фаровонлиги йўлида ҳалол ва вижданан меҳнат қилаётган, ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра фуқаролиги бўлмаган шахсга айланиб қолган фуқароларнинг ҳаётий муҳим масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўтган даврда 1 243 нафар шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинди.

Иқтисодий соҳада кенг кўламли ўзгаришлар амалга оширилди, энг аввало, Ўзбекистоннинг ўз мажбуриятларини бажариш ва чет эл ҳамкорларининг даромадларини репатриация қилиш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун шарт-шароитларни таъминловчи миллий валюта эркин конвертациясининг жорий этилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.

Давлат бюджетини шакллантиришнинг тамомила янги принциплари ва механизмлари жорий этилди, унинг даромад ва харажатлари шаффоғлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Давлат активларини бошқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бюджетнинг даромад қисмини қўпайтиришга қаратилган ишга солинмаган захиралардан фойдаланиш чоралари кўрилди.

Биринчи босқичда – узок муддатли (10-15 йилга мўлжалланган) тармоқ, ҳудудий ва мақсадли ривожланиш концепцияларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш, иккинчи босқичда – тармоқ, ҳудудий ва мақсадли лойиҳалар портфелларини тузиш, учинчи босқичда – ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришнинг мутлақо янги тартиби тасдиқланди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича комплекс тадбирлар, биринчи навбатда, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соглигини сақлашни қучайтириш, аҳолини арzon ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш, фуқароларнинг бандлиги ва реал

даромадларини ошириш, арzon ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Шаҳарлар ва қишлоқларда умумий турар жой майдони 3,5 миллион квадрат метрдан ортиқ бўлган намунавий ва кўп қаватли уйлар қурилди. Турар жой қурилиши ҳажмлари 2010 йилга нисбатан 3,5 бараварга ошди.

Халқ билан мулоқот натижалари бўйича 11 йиллик умумий ўрта таълимни қайта тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди, олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг шафдоф механизmlари жорий этилди

ва квоталар жиддий равишда оширилди. Олий ўкув юртидан кейинги таълим тизими халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди.

Миллатларо тинчлик ва тотувликни, пухта ўйланган ва ўзаро манфаатли ташқи сиёsat амалга оширилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилганлиги натижасида қўшни давлатлар билан ишончли муносабатлар йўлга қўйилди, Марказий Осиё худудида савдо-иктисодий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилди.

Фақат ўтган йилда 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ўtkазилди, 400 дан ортиқ келишувларга эришилди, 60 миллиард АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги битимлар имзоланди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот якунлари ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўтказилган ишларнинг танқидий таҳлили аҳоли фаровонлигининг реал ўсишига ва жойларда ишлар ҳолатининг тубдан яхшиланишига тўсқинлик қилувчи қатор муаммоларни кўрсатиб берди.

Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш юзасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин:

давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш соҳасида – давлат хизматининг нуфузи ва самарадорлигини ошириш, ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва тузилмасини қайта кўриб чиқиш, вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти

органлари раҳбарларининг мустақиллигини ошириш, марказий органларнинг айрим ваколатларини маҳаллий ҳокимият органларига ўтказиш, давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятини, уларнинг сифати ва тезкорлигини тубдан ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш соҳасида – фуқаролар шахсий ҳаёти дахлсизлигининг конституциявий кафолатларини, шу жумладан, тинтуб ва телефон орқали сўзлашувларни эшишиб туришга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш бўйича комиссияни ташкил этиш орқали янада мустаҳкамлаш, миллий хавфсизлик органлари тизимини тубдан ислоҳ қилиш, вақтинча сақлаш, тергов хибсоналари, жазони ижро этиш муассасаларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати ходимларини мобиль видеокамералар билан таъминлаш, патруль хизматининг стационар постлари сонини оптималлаштириш;

иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида – фаол тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш, инновацион ғоялар ва технологияларни жорий қилиш, тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини ва улар фаолиятига ноқонуний аралашишларнинг олдини олиш механизмларини, солиқ ва божхона сиёсатини, банк-молия соҳасини янада такомиллаштириш, агарар секторни ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига имтиёзлар тақдим қилган ҳолда индивидуал имтиёзлар беришдан воз кечиш, худудларни фаол ривожлантириш;

ижтимоий соҳани ривожлантириш соҳасида – ижтимоий ҳимоя қилиш ва фуқаролар соглигини сақлашни янада кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий дорихоналарнинг ривожланган тармоғини яратиш, аҳоли бандлиги ва фуқароларнинг реал даромадларини ошириш, "истеъмол саватчаси"ни аниқлаш, ижтимоий уй-жойлар қурилишини кенгайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, ташқи сиёsat соҳасида – Ўзбекистон Республикасининг янги Миллий хавфсизлик концепциясини қабул қилиш, хорижий шериклар билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва кўриқлаш тизимини такомиллаштириш, терроризм, экстремизм ва ахборот таҳдидларига қарши курашиш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, Ташқи ишлар вазирлиги ва дипломатик ваколатхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, хорижда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, ўзаро манфаатли ташқи сиёsatни давом эттириш, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар

алоқаларни ривожлантириш.

2. Тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга икки йил муддатга мораторий эълон қилинсин, жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар бундан мустасно.

Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 апрелдан бошлаб:

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши давлат солик хизмати органларининг бўшаётган 228 та штат бирликларини прокуратура органларига ўтказган ҳолда тугатилади;

адлия органларининг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чеъл эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир-бирини такрорловчи функция ва ваколатлари чиқариб ташланади;

жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) бир ойдан ошмаслиги лозим, алоҳида ҳолларда текшириш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга Ўзбекистон Республикаси Боз прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан узайтирилиши мумкин;

тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жиноят ишларини қўзғатиши фақат Қорақалпогистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга tenglashshirilgan прокурорларнинг розилиги билан амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар, ўтказилган текширишлар ва мониторинг (асос, текшириш ёки мониторинг ўтказиши вақти, уларни ўтказган ходимлар ва бошқалар) ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотлар мажбурий тартибда прокуратура органларининг маҳсус электрон ахборот тизимиға киритилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

инновацион ва илмий фаолиятни давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, шу жумладан, инновацион лойиҳаларни фоизсиз кредитлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни кредитлаш учун тижорат банкларига давлат кафолатларини беришни ҳам назарда тутувчи "Инновацион фаолият тўғрисида"ги ва "Фан тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқсин ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин;

маҳаллий лойиҳа ва пудрат ташкилотларининг ташқи бозорларга чиқишини рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар, замонавий халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда шаҳарсозлик норма ва қоидаларини тўлиқ қайта кўриб чиқиши, энергия тежамкор технологияларни фаол жорий этишни назарда тутиб, қурилиш соҳасини инновацион ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда бир ой муддатда назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширишлар, мониторинг ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятида аниқланган хукуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар ҳақидаги зарур ахборотларни доимий киритиб боришни назарда тутувчи маҳсус электрон ахборот тизимини ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси билан биргаликда назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги қонунбузишилар ҳақидаги маълумотларни текшириш тартибини ишлаб чиқсин ва киритсин;

Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик фаолияти соҳасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Савдо-саноат палатаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида хукуқбузарликларни профилактика қилиш, қонунчилик нормаларини етказиш ва тушунтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳар бир хукуқбузарлик ҳолати бўйича айбдор шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги принципи сўзсиз амалга оширилишини таъминлаган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти соҳасида, энг аввало, тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестицияси иштироқидаги корхоналарнинг хукуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик ижроси устидан назоратни кучайтиурсин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

а) қўйидагилар 2023 йил 1 январга қадар муддатга ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқ ва мажбурий тўловлар тўлашдан озод қилинади:

юқори технологияли тадбиркорлик лойиҳалари-стартапларни биргаликда молиялаштириш учун ташкил қилинадиган венчур фондлар;

венчур фондлардан биргаликда молиялаштириладиган юқори технологияли лойиҳалар-стартаплар;

илмий-тадқиқот муассасалари, инновацион марказлар, лойиҳа-конструкторлик бюrolари ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотишдан (фойдаланишга беришдан) олинган даромадлар бўйича;

янги технологияларни маҳаллий тадбиркорликка трансфер қилувчи ташкилотлар бу фаолиятдан олинган даромадлари бўйича;

б) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон тижорат соҳасида маҳсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат дастурида белгиланган муддатларда:

Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари – "Халқ қабулхоналари" замонавий биноларининг тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ курилиши ва жиҳозланишини таъминласин;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда электрон навбат ва давлат хизматини кўрсатишнинг боришини масофадан видеокузатиш тизимларини жорий этиш, олис аҳоли пунктларида мобиљ давлат хизматлари марказларини ташкил қилиш, шунингдек, мобиљ алоқа воситалари орқали давлат хизматлари кўрсатишни таъминласин.

10. Вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича хисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ, шунингдек, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича хисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун иш берувчининг жавобгарлиги бекор қилинсин.

11. Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича комиссиялар Давлат дастурига киритилган тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан таъсирчан назоратни, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда тақдим этилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб боришини тъминласин.

12. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотлар:

энг аввало замонавий ишлаб чиқаришни жорий этишга мўлжалланган инновацион ғоялар ҳамда технологияларни, фаол тадбиркорликни хар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга;

худудлар ижтимоий-иктисодий салоҳиятининг барқарор ўсиши ва аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда фаровошлигини оширишга кўмаклашувчи фан ва инновацион фаолиятни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга;

илгор фикрлайдиган, ташаббускор ва масъулиятли ходимлар ҳамда фуқароларни хар томонлама амалий қўллаб-қувватлашга;

"Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши шарт" деган қоидани рӯёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Инновацион ривожлантириш вазирлиги "Тараққиёт стратегияси" маркази билан биргалиқда:

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тизимли мониторинг қилинишини ҳамда у ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун қўшимча чора-тадбирларни кўриш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилишини;

Давлат дастури амалга оширилиши ҳақидаги маълумотларнинг ҳар ой умумлаштирилишини ҳамда унинг якунлари аниқ қўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришлар қўрсатилган холда ўзларининг веб-сайтларида жойлаштирилишини;

мониторинг натижалари ҳақида ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ахборот киритилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг якунларига бағишлиланган ахборот-таҳлилий обзорларнинг чет тилларда тайёрланиши, нашр этилиши ва кенг тарқатилишини тъминласин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот

воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ўзаро яқин ҳамкорликда:

мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши хақидаги холис, тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

ушбу Фармоннинг мазмун ва моҳиятини, шунингдек, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга қаратилган зарур маълумотларнинг халқаро жамоатчиликка тизимли етказилишини;

Давлат дастурини амалга ошириш учун масъул давлат органлари ва ташкилотларига илғор хорижий тажрибани ўрганишда ҳар томонлама қўмаклашишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 22 январь

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонига

ШАРХ

Кейинги бир йилда Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимида кенг қўламли

ижобий ўзгаришлар рўй берди, бунда асосий эътибор фуқароларнинг хукуқларини химоя қилиш ва ахоли манфаатларини амалда таъминлашга қаратилди.

"Инсон манфаатлари – ҳамма нарсадан устун", "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу гоялар Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида кўзда тутилган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишининг асосини ташкил қилди.

Ҳаракатлар стратегиясини "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида давлат ва жамият қурилиши тизимини сифат жиҳатидан яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий соҳа, суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш, вазмин ва амалий ташқи сиёsat юритишга қаратилган қатор аниқ ва амалий чора-тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга, халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот ҳамда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қилинган ишларнинг танқидий таҳлили жойларда ахоли фаровонлигини ошириш ва ишлар ахволини тубдан яхшилашга тўсқинлик қилаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари ўзининг 2017 йил 22 декабрь куни парламентга йўллаган тарихий Мурожаатномасида хам мавжуд ўткир муаммоларга эътибор қаратди, уларни хал этишининг аниқ йўлларини таклиф қилди.

Шу муносабат билан Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда Давлат дастури деб юритилади) лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 10-20 январь кунлари ахоли ўртасида кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Давлат дастури лойиҳасини муҳокама қилиш давомида фуқаролардан 4,4 мингта таклиф ва шарҳ келиб тушди, улардан Давлат дастурини такомиллаштиришда фойдаланилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 22 январь куни қабул қилинган Фармони билан Давлат дастури тасдиқланиб, унинг асосий йўналишлари ва уни амалга оширишнинг биринчи навбатдаги чора-тадбирлари белгиланди.

Фуқаролардан келиб тушган таклифларнинг аксариятида кўрсатилган долзарб муаммоларни ҳал қилишга оид алоҳида хуқуқий нормалар бевосита Фармоннинг ўзида кўрсатилган бўлиб, уларнинг ижросини дарҳол таъминлаш шарт экани белгиланди.

Фармон билан тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича икки йил муддатга мораторий эълон қилинди. Эндиликда, Фармон эълон қилинган кундан бошлаб тадбиркорлик субъектлари назорат қилувчи органларнинг текширувларига

вақт ва ресурс сарфламасдан ўз фаолиятини хотиржам амалга оширишлари мумкин.

Яна бир муҳим янгилик – вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд турар жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга олишга оид тақиқ бекор қилинади. Ушбу норма фуқароларга мамлакатимизнинг исталган ҳудудида, айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида ишга жойлашишда ҳеч қандай чекловларсиз ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш имконини беради. Истиқболли кадрлар қаерда доимий ёки вақтинча прописка қилингани, турар жойи бўйича ҳисобда турганидан қатъи назар, пойтахт минтақасида меҳнат қила оладилар.

Ўз навбатида, иш берувчилар вақтинча ёки доимий пропискаси бўлмаган ёхуд турар жойи бўйича ҳисобдан ўтмаган фуқароларни ишга олганликлари учун жавобгарлиқдан озод этилади.

Давлат дастури 5 бўлимдан иборат. Давлат дастури доирасида 37 та қонун (Сайлов кодекси, "Давлат хизмати тўғрисида", "Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида", "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хуқуqlари тўғрисида", "Фан тўғрисида", "Инновацион фаолият тўғрисида"ги ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш, 142 та норматив-хуқуқий хужжатни қабул қилиш ҳамда турли соҳаларни қамраб оладиган 52 та амалий чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Давлат дастурининг биринчи бўлими давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришга бағишлиланган.

Шубҳасиз, "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муҳим қадам бўлади. Ушбу ҳужжат, аввало, давлат идораларида хизматни ҳақиқатдан нуфузли фаолиятга айлантиради, давлат хизматчиларининг меҳнат ҳақи ва ижтимоий ҳимояси учун муносиб тизим шакллантиради, юклатилган вазифаларнинг сифатли ижроси учун давлат хизматчиларининг жавобгарлигини оширади. Эндиликда ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган лавозимга муносиб эканини ҳар куни исботлаши шарт.

Давлат функциялари ва ваколатларининг амалдаги марказлашган тизимиға барҳам берилади. Биринчидан, хукуматнинг алоҳида функциялари, айниқса, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги вазифалари вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўtkaziladi. Иккинчидан, тегишли ҳудудда давлат сиёсатини амалга ошириш, фуқароларнинг хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш учун масъул мансабдор шахслар сифатида барча даражадаги ҳокимларнинг ваколатлари кенгайтирилади ва мавқеи мустаҳкамланади.

Бундан пировард мақсад – ҳокимлар ҳудудларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини юксалтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишни амалда таъминлаш имконини берадиган реал ваколатларга эга бўлишига эришиш.

Фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг янги механизми сифатида электрон жамоавий мурожаат қилиш – петиция йўллаш тизими жорий қилинади. Ушбу тизим фуқароларга давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига аниқ саволлар қўйиш имконини беради, ушбу органлар эса фуқароларнинг маълум сони томонидан маъқулланган мурожаатлар юзасидан чора қўриши шарт бўлади.

Мазкур механизм туфайли фаол фуқаролар ва жамоат ташкилотлари турли муаммолар ечими бўйича ташаббус кўрсатишлари мумкин. Шу орқали "Мамлакат ҳаётига алоқадор энг муҳим қарорлар бевосита мулоқот асосида қабул қилинади", деган тамойил амалда рўёбга чиқарилади.

Давлат дастурининг навбатдаги муҳим йўналиши қонун устуворлигини таъминлаш ва судхуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишдир.

2018-2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича концепцияни ишлаб чиқиши, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш муддатларини қайта кўриб чиқиши режалаштирилган. Жиноий ва маъмурий жавобгарликни либераллаштириш, процессуал нормаларни такомиллаштириш кўзда тутилган.

Дастлабки тергов устидан суд назоратини кучайтириш учун тинтуб ва телефон сўзлашувларини эшишишга санкция бериш ваколати судга ўтказилади.

Инсон ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида тергов изоляторлари ва жазони ижро этиш муассасалари видеокузатув воситалари билан жихозланади.

Ички ишлар органлари йўл-патруль ва патруль-пост хизматларини улар фуқаролар билан муомала қилаётганда фойдаланиладиган видео-фиксаторлар билан таъминлаш кўзда тутилган бўлиб, бу нафақат фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши, балки тинчлигимиз посбонлари томонидан ўз вазифасини суиистеъмол қилиши ҳолатларининг ҳам олдини олишга хизмат қиласи.

Давлат дастурида прописка ва паспорт тизимини соддалаштиришга доир чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий пропискаси бўлмаган фуқаролар иккиласчи бозорда кўчмас мулк харид қилиш имкониятига эга бўлади.

Давлат дастурининг учинчи йўналиши иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-кувватлашга бағишлиланган.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш соҳасида илғор ғоялар, "смарт" технологиялар ва ноу-хауларга асосланган инновацион тараққиётнинг янги моделига босқичма-босқич ўтиш кўзда тутилмоқда.

Венчур фондлар, венчур молиялаштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш учун ҳукуқий асослар, шунингдек, иқтисодиётга инновациялар ва янги технологиялар жорий этишини рағбатлантирувчи механизмлар ишлаб чиқилади.

2023 йилнинг 1 январига қадар венчур фондлар, юқори технологик стартап-лойиҳалар, илмий-тадқиқот муассасалари, инновация марказлари ва лойиҳа-конструкторлик бюороларига ўзларининг янги технологияларини тадбиркорларга сотиш (фойдаланиш учун тақдим этиш)дан тушган даромадлари бўйича солиқ имтиёzlари тақдим этилади.

Ер участкалари беришда шаффофлик ва қонунийликни таъминлаш мақсадида интернет тармоғида электрон савдолар ўтказишни жорий қилиш режалаштирилган. Давлат активларини электрон савдо майдонлари орқали сотиш тизимини яратиш кўзда тутилмоқда.

Банклар ва банк фаолиятига доир қонунчилик тубдан қайта кўриб чиқилиб, соҳада "ракамли банкинг", "интернет-банкинг" ва бошқа замонавий технологиялар татбиқ этилади.

Солиқ ва божхона сиёсатини такомиллаштириш ва оптималлаштириш, солиқ юкини камайтириш, солиқ ва божхона маъмурчилигини соддалаштириш бўйича ишлар давом эттирилади.

Туризм соҳасини ривожлантириш, кириш туризми ва ички туризмни ривожлантиришни рағбатлантириш, сайёҳлар учун маъмурий ва виза билан боғлиқ тартиботларни соддалаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Давлат дастурининг кейинги бўлими ижтимоий соҳани ривожлантиришга бағишиланган.

Аҳолининг муносаби ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромадларни аниқлаш бўйича "истеъмол саватчаси"га оид муносабатларни ҳукуқий тартибга солиш назарда тутилган. Ҳудудлар кесимида "истеъмол саватчаси"ни ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи, пенсия ва бошқа ижтимоий тўловлар миқдорини белгилаш тизимига босқичма-босқич ўтиш мўлжалланмоқда.

Тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш ва тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилади. Соғлиқни сақлаш соҳасига "ақлли тиббиёт" тизими, инновацион технологияларни жорий қилиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолини арzon нархлардаги сифатли дори воситалари билан таъминлайдиган 2 мингта ижтимоий дорихона ташкил этиш режалаштирилган.

Аҳоли, айниқса, ёш оиласарнинг арzon уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида 2018 йилда бундай уйларни қуриш ҳажми 1,5-2 баробар оширилади. Бу мақсадлар учун 5 триллион 286 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

Аҳолини телекоммуникация хизматлари билан тўлиқ қамраб олиш учун чекка ҳудудларда 2000 километр оптик толали алоқа линиялари тортиш, интернет тезлигини 2,5 баробар ошириш ва 4 мингдан зиёд мобиль алоқа таянч станцияларини ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

Давлат дастурининг бешинчи йўналиши – хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, вазмин, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёsat юритиш.

Хусусан, хорижда яшаётган ва ишлаётган юртдошларимиз билан ҳамкорлик қилиш бўйича давлат сиёсати концепцияси ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, бундай фуқароларни соғлом муҳитга қайтариш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Диний маърифат тизими қайта кўриб чиқилиб, бу борада аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги ва таъсирчанлиги кучайтирилади.

Мухтасар айтганда, Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга 13,5 триллион сўм ва 1,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.

Давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини амалда юксалтириш ва фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда муҳим дастурламал бўлиб хизмат қиласи.

[ЎЗА](#)